

## МАЗМУНДОР МАЪРУЗА

13 март куни “Гидротехника қурилиши” факультети таркибидаги “Ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш” бакалаврият таълим йўналиши 409 - гуруҳда таҳсил олаётган талабалар учун “Гидроэлектростанция жиҳозлари. Гидроагрегатлар” мавзусида Гидроэлектростанциялар фанидан маъруза ўқилди. “Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш” кафедраси профессор-ўқитувчилари доц. С. Хидиров ва асс. А. Эргашевлар томонидан Гидропроект” АЖ биносида ўрнатилган ГЭС агрегатининг ҳаракатдаги моделидан фойдаланиб, ўқилган маъруза ва ўтилган амалий машғулотлар талабаларда катта таассурот қолдирди.



**“Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш” кафедраси доценти С. Хидиров  
ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**